

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ» МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жаҳид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан кадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Маърифатпарварлар ва Тарихчилар жамиятлари, Мустамлакачилик даври курбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг тарихий хужжатларга асосланган хулоса ҳамда таклифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жаҳид-зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафақат республикада балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда унга «Миллий университет» мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг беқиёс илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш;

жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий кадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш;

миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 28 январь,  
ПФ-2532-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 1-сон, 40-модда)*